

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЕРОСТИ СУВ ОЛИШ
ИНШООТЛАРИНИ СУВ
ҲИСОБЛАШ ВОСИТАЛАРИ
БИЛАН ЖИҲОЗЛАШНИ
РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА
МУҲРЛАШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни рўйхатга олиш ва муҳрлаш тартиби бўйича услубий қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2025 й. – 22 б.


Мазкур услубий қўлланма ерости сувларидан фойдаланувчилар ва ерости сувлари истеъмолчилари томонидан ерости сув олиш иншоотларида ўрнатилган сув ҳисоблаш воситаларини давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рўйхатга олиш ва муҳрлаш тартиб-таомилларини содда ва тушунарли тарзда ёритиб бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР	2
ЕРОСТИ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН СУВ ҲИСОБЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА МУҲРЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ	2
ЕРОСТИ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИГА СУВ ҲИСОБЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ЎРНАТИШ ВА ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ЕЧИБ ОЛИШ ТАРТИБИ	2

Фойдаланилган Халқаро ва Миллий Қонунчилик Ҳужжатлари

1.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 7 декабрдаги ПҚ-439-сон қарори	
2.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни рўйхатга олиш ва муҳрлаш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 2025 йил 28 августдаги 547-сон қарори	
3.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июндаги 430-сон қарори	

КИРИШ

Республикада ер ости сувларидан фойдаланиш ва қудуқ бурғилаш тизимини янада такомиллаштириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли орасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг миқдор жиҳатдан камайиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш ҳамда пировард натижада аҳолини узоқ муддатли истиқболда сифатли ичимлик сув билан таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу мақсадда ер ости сувларига қудуқ бурғилаш ва улардан фойдаланиш бўйича мораторий жорий этиладиган, ер ости сувлари сатҳи пасайиб кетаётган ҳудудлар рўйхати Президентимиз қарори билан тасдиқланган. Мазкур ҳудудларда 5 метргача ва ундан ошиқ чуқурликда сув матҳи пасайиб кетган жойларнинг мавжудлиги аниқланган.

Шунингдек, Президент қарорига кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сатҳига нисбатан сув сатҳи 5 метрдан ортиқ пасайиб кетган ҳудудларда ерларни суғориш ва ишлаб чиқариш мақсадларига гидрогеологик хулоса бериш, ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш ҳамда мавжуд қудуқлардан ерларни сув тежовчи технологияларсиз суғориш тақиқланади, бундан тасдиқланган давлат дастурлари доирасида ва жисмоний шахслар томонидан чуқурлиги 25 метргача бўлган қудуқларни бурғилаш ҳамда суткасига 5 метр кубгача ҳажмдаги

ер ости сувларини шахсий эҳтиёжлар учун якка тартибда олиш мустасно;

б) ер ости сувларининг кўп йиллик ўртача сатҳига нисбатан сув сатҳи 5 метргача пасайган ҳудудларда ер ости сувларига қудуқларни бурғилашга гидрогеологик хулоса ва сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги томонидан:

қишлоқ хўжалиги экин майдонларини суғориш мақсадлари учун – сув тежовчи технологияларни жорий этиш шартлари билан Сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда;

ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун – ҳудудий ривожлантириш дастурлари ва сувдан тежамли фойдаланиш шартларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан келишилган ҳолда берилади;

в) қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежовчи технологиялардан (томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет ва бошқалар) фойдаланилмаганда бурғи қудуқларидан фойдаланишни тақиқлаш Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги **Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси** томонидан амалга оширилади.

Маълумки, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш учун рухсатнома беришнинг амалдаги тартиби бекор қилиниб, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш тартиби жорий этилган.

бурғиловчи субъектларга ўз тасарруфидаги бурғилаш ускуналарини GPS-трекерлар билан жиҳозлаш ва уларни доимо ишчи ҳолатда сақлаш мажбурияти юклатилган.

қонунчиликда назарда тутилган тегишли техник ҳужжатларга эга бўлмаган бурғилаш ускуналари ёрдамида ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш тақиқланади, бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда, бурғилаш ускуналарини мусодара қилиш юзасидан судга муурожаат этилади.

ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатноманинг талаб ва шартларини бажармаганлик унинг амал қилишини тўхтатиб туришга, гидрогеологик хулосасиз бурғилаш ишларини олиб бориш эса рухсатномани бекор қилишга асос бўлади.

ер ости сув олиш иншоотларига (бурғи қудуғи, булоқ каптажи) эга бўлган барча ер ости сувларидан фойдаланувчиларга йиллик сув олиш миқдори тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда топшириш мажбурияти юкланган.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР



ариза берувчи — ерости сув олиш иншоотларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар;



гидрогеология станциялари — Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекгидрогеология» давлат муассасасининг ҳудудий гидрогеология станциялари;



далолатнома — ерости сув олиш иншоотини сув ҳисоблаш воситаси билан жиҳозлаш рўйхатга олингани ва муҳрланганини тасдиқловчи ҳужжат;



ерости сув олиш иншоотлари — бурғи қудуғи, булоқ каптажи;



сўровнома — давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни рўйхатга олиш ва муҳрлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш бўйича ариза;




туман (шаҳар) солиқ инспекциялари — сув ҳисоблаш воситаларини муҳрлайдиган ваколатли орган.

ЕРОСТИ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИДА ЎРНАТИЛГАН СУВ ҲИСОБЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА МУҲРЛАШ ТАРТИБ-ТАОМИЛИ

Ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни рўйхатга олиш ва муҳрлаш бўйича давлат хизмати Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли органлар ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро ўзаро электрон боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

Ариза берувчи ўзидаги ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашга масъул ҳисобланади.

Ариза берувчилар ҳисобида икки ва ундан ортиқ ерости сув олиш иншооти мавжуд бўлганда, уларда ўрнатилган сув ҳисоблаш воситаларини давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали бир марта мурожаат этиш орқали сўровномада жами бурғи қудуқлари ва булоқлар сонини кўрсатган ҳолда




уларнинг рўйхатга олиниши ва муҳрланишини таъминлаш мумкин.

Сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозланмаган ерости сув олиш иншоотларидан фойдаланиш тақиқланади (жисмоний шахсларга шахсий ва хўжалик эҳтиёжлари учун якка тартибда суткасига 5 метр кубгача бўлган миқдорда ерости сувларини олиш бундан мустасно).

Ерости сув олиш иншоотларидан сув сарфини ҳисоблаш воситаларисиз фойдаланилганда олинган ерости сувлари

ҳажми унинг
лимитларидан, сувни
истеъмол қилишнинг
технологик ва санитария
нормаларидан, экинлар
ҳамда яшил
дарахтзорларни суғориш
нормаларидан ёки
маълумотларнинг




тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланади ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўловини ундириш чоралари кўрилади.

Ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни рўйхатга олиш ва муҳрлаш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун ариза берувчи сўровнома юбориш учун давлат хизматлари марказларига шахсан келиб мурожаат этади ёки ЯИДХПда давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.



Сўровнома ЯИДХП орқали дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар кун **24 соат давомида** юборилиши мумкин.

 Бунда сўровнома иш **вақтидан кейин ёки дам олиш ва байрам кунларида** тушганда, календарь бўйича навбатдаги иш кун **сўровноманинг** ваколатли органга тушган ва ваколатли орган томонидан қабул қилинган кун деб ҳисобланади.

Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, давлат хизматлари марказлари ходими сўровнома берувчи номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса сўровнома берувчи мустақил равишда тўлдиради.

**Ерости сув олиш иншоотларини сув ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлашни
рўйхатга олиш ва муҳрлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи тўғрисида маълумот:

- 1. Ерости сувларидан фойдаланувчи номи**
*(юридик шахс учун — номи, СТИР
жисмоний шахс учун — Ф.И.О., ЖШШИР)*
- 2. Манзили**
*(юридик шахс учун — давлат рўйхатидан ўтган манзил;
жисмоний шахс учун — доимий яшаш манзили)*
- 3. Электрон почта манзили ва телефон рақами**

II. Сув олиш иншоот(лар)и ва сув ҳисоблаш восита(лари) тўғрисида маълумот:

- 1. Сув олиш иншоот(лар)и жойлашган жойи (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла,
қишлоқ, овул, кўча, уй)**
- 2. Жами бурғи қудуқлари ва булоқлар сони**
- 3. Ўрнатилган сув ҳисоблаш воситалари сони**
- 4. Сув ҳисоблаш воситасининг завод рақами, тури, маркаси, ишлаб чиқарувчиси**
(ҳар бир сув ҳисоблаш воситаси бўйича алоҳида тўлдирилади)
- 5. Сув ҳисоблаш воситасига берилган қиёслаш сертификатининг рақами,
берилган муддати ва амал қилиш муддати**
(ҳар бир сув ҳисоблаш воситаси бўйича алоҳида тўлдирилади)
- 6. Сув ҳисоблаш воситаси кўрсаткичлари (олинган сув миқдори)**
(ҳар бир сув ҳисоблаш воситаси бўйича алоҳида тўлдирилади)

Мазкур намунадаги сўровнома автоматик тарзда **гидрогеология станциялари ва туман (шаҳар) солиқ инспекцияларига** электрон шаклда юборилади.

Ерости сув олиш иншоотларидан олинаётган сув ҳисобини юритиш учун фақат Ўзбекистон Республикасида ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган турлардаги сув ҳисоблаш воситаларининг ўрнатилишига йўл қўйилади.

Маълумот учун: Техник тартибга солиш агентлигининг расмий сайтида Ўзбекистон Республикасида ўлчаш воситалари давлат реестрига киритилган турлардаги сув ҳисоблаш воситалари билан танишиш имконияти мавжуд (Ҳавола: <https://www.standart.uz/cyrl/page/view?id=29>)

Сув ҳисоблаш воситалари ҳар бир қудуқнинг сув чиқариш қувурлари ўлчамига мувофиқ равишда ариза берувчи ҳисобидан, тегишли сервис хизматларини кўрсатишга ихтисослашган ва малакали мутахассисларга эга ташкилотлар томонидан ўрнатилади.

Сув ҳисоблаш воситалари насосли қудуқларда сув чиқишини бошқариш қурилмасидан олдин, фавворали қудуқлар ва булоқларда бошқариш қурилмасидан кейин ўрнатилиши лозим.



Ундирилдиган тўловлар ҳақида маълумот

Давлат хизмати кўрсатилгани учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи** миқдорида йиғим ундирилади.

Йиғим тўлангани ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Йиғим учун тўланган сумма қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига;

0,5 фоизи — «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасида очиладиган махсус ҳисобрақамига йўналтирилади;

40,75 фоизи — Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекгидрогеология» ДМнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

40,75 фоизи — Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобрақамига;

11,75 фоизи — «Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўлангани Ягона биллинг тизими орқали тасдиқлангани учун);

39,12 фоизи — Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги «Ўзбекгидрогеология» ДМнинг шахсий ҳисобварағига ўтказилади;

39,13 фоизи — Солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобварағига ўтказилади.

Давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХП орқали муурожаат этилганда умумий йиғим суммасининг 90 фоизи миқдорида тўланади.

УНУТМАНГ!!

Давлат хизматлари кўрсатиш учун йиғимни тўламаслик, давлат хизмати кўрсатиш талабларини бажармаслик давлат хизмати кўрсатишни **рад этиш учун асос** ҳисобланади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

Давлат хизматини кўрсатиш рад этилганда, ариза берувчига рад этиш сабаблари кўрсатилган тегишли **билдиришнома** илова қилинади.

Ариза берувчилар ўн иш куни давомида келтирилган сабабларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали тақдим этиши мумкин.

Ариза берувчилар ариза бериш рад этилишига асос бўлган камчиликларни бартараф қилиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этганда такроран пул ундирилмайди.

Камчиликлар бартараф этилгани ҳақидаги ариза олинган кундан бошлаб ўн иш куни давомида тақдим этилган ҳужжатлар ҳудудий гидрогеология станциялари ва туман (шаҳар) солиқ инспекциялари томонидан такроран кўриб чиқилади.

Ариза бўйича ҳужжатларни такроран кўриб чиқишда ваколатли органлар томонидан аввалги рад этиш учун асосларда баён этилмаган сабаблар келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Ариза берувчилар давлат хизматларидан фойдаланишда уларни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади ва тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

ЕРОСТИ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИГА СУВ ҲИСОБЛАШ ВОСИТАЛАРИНИ ЎРНАТИШ ВА ҚИЁСЛАШДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ЕЧИБ ОЛИШ ТАРТИБИ



Худудий гидрогеология станциялари ва туман (шаҳар) солиқ инспекциялари сўровнома тушган вақтдан бошлаб ўн кун муддатда ерости сув олиш иншоотларида ўрнатилган сув ҳисоблаш воситаларини рўйхатга олади ва муҳрлайди.

Бунда гидрогеология станциялари сув ҳисоблаш воситаларини рўйхатга олишда электрон шаклда далолатнома тузади ва уни махсус QR-код орқали расмийлаштиради. Солиқ инспекциялари томонидан ҳар бир сув олиш иншооти кесимида муҳрлаш якунланганидан сўнг, гидрогеология станциялари томонидан тузилган далолатномани муҳрлаш рақамини қўйган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди. Шундан сўнг далолатнома сўровнома юборилган давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

**Ерости сув олиш иншоотини сув ҳисоблаш воситаси билан жиҳозлаш
рўйхатга олингани ва муҳрлангани бўйича**

_____-сон
ДАЛОЛАТНОМА

Ерости сувлари бурғи қудуғи (булоқ) жойлашуви (вилоят, туман, шаҳар, маҳалла, қишлоқ, овул, кўча, уй)	
Ерости сувлари бурғи қудуғи (булоқ) фойдаланувчиси номи (юридик шахс номи, СТИР) (жисмоний шахс Ф.И.О., ЖШШИР)	
Ҳудудий гидрогеология станцияси рўйхати бўйича қудуқ (булоқ) рақами (фойдаланувчи рақами)	
Сувдан фойдаланиш мақсади	
Ташкилот почта манзили (жисмоний шахс учун унинг биометрик паспорти ёки идентификацияловчи ID-картаси бўйича доимий яшаш манзили)	
Ташкилотнинг телефон рақами, электрон почта манзили (жисмоний шахс бўлганда — телефон рақами, электрон почта манзили)	

_____-сон ерости сув бурғи қудуғига (булоққа) ўрнатилган сув ҳисоблаш воситаси муҳрланди ва _____-рақам билан рўйхатга олинди.

Сув ҳисоблаш воситасининг муҳрлаш вақтидаги ҳолати:

Сув ҳисоблаш воситаси завод рақами	
Тури, маркаси, ишлаб чиқарувчиси	
Қиёслаш сертификатининг рақами, қачон берилгани ва амал қилиш муддати	
Муҳрлаш рақами	
Сув ҳисоблаш воситаси бўйича аниқланган камчиликлар	

QR kod

QR
kod

гидрогеология станцияси номи

туман (шаҳар) солиқ
инспекцияси номи

масъул ходим лавозими, Ф.И.О.

масъул ходим
лавозими, Ф.И.О.

Сув ҳисоблаш воситаси ишдан чиққанда ёки қиёслашдан ўтказиш учун ечиб олинганда, қудуқдан олинган сув ҳисоби сўнгги уч ойнинг ўртача кўрсаткичи бўйича аниқланади ва бундай тартиб бир ойдан ортиқ қўлланмайди.

Сув ҳисоблаш воситасини бир ойдан ортиқ муддатда қайта ўрнатмаслик сувдан фойдаланиш қоидаларининг бузилишига тенглаштирилади.

Ариза берувчилар 4 йиллик даврийликда сув ҳисоблаш воситалари бориши лозим. Сув ҳисоблаш воситалари метрология хизматини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ қиёслашдан ўтказилади.

Ариза берувчи сув ҳисоблаш воситасини ўзгартириш, таъмирлаш ва/ёки қайта қиёслашдан ўтказиш учун гидрогеология станциялари ва солиқ инспекцияларини хабардор қилган ҳолда ечиб олганидан сўнг унинг қайта ўрнатилиши рўйхатга олиниши, муҳрланиши ва далолатнома тузилиши ушбу Регламентнинг 8 — 17-бандларида кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

Сувдан фойдаланувчи Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги 430-сон қарори билан тасдиқланган Ерости сувлари давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда йиллик идоравий **статистик ахборот** тузади.

АХБОРОТ

Ер ости сувларидан фойдаланиш тўғрисида

20__ йил учун

(Сув истеъмолчисининг исми на унинг идоравий мансублиги)

1. Сув истеъмолчисининг манзили

телефон рақами _____, СТИР

2. Сув олиш иншоотлари тўғрисида маълумот

T/p	Сув олиш иншооти номи (қудуқ, булоқ ва бошқ.), уларнинг рақами ва жойлашуви	Ишга туширилган йили	Сув олиш усули (ўзи чиқувчи, насос русуми, қуввати ва бошқ.)	Сув истеъмоли мақсади (ИСТ, ИЧТС, ЕС, ТД ЯС, даволаш ва бошқ.*)	Изоҳ (сув олиш иншоотларининг умумий сони, улардан ишлайдиганлари ва бошқа маълумотлар)
1	2	3	4	5	6

3. Ер ости сувларини олиш тўғрисида маълумот

Сув олиш иншооти номи	20 йилда олинган сув ҳажми, минг м ³	Шу жумладан, ойлар бўйича, минг м ³												Изоҳ
		I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

4. Олинган сув сифати тўғрисида маълумот

Сув олиш иншооти рақами ва номи	Таҳлил ўтказилиш сана	Лаборатория номи	Сувнинг кимёвий таҳлили натижаси								pH	Сувнинг минерализацияси, мг/л	Сувнинг умумий қаттиқлиги,	Изоҳ	
			Катнонлар, мг/л				Анионлар, мг/л								
			Ca	Mg	Na	K	SO ₄	Cl	NO ₃	HCO ₃					

